

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 3 АПРЕЛЬ КУНИ ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ УЧУН ҚЎШИМЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН 5 ТА ТАШАББУСНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ.



# Ў Қ У Қ У Қ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2019-й. 4-АПРЕЛ, №14 (1159)

**МАЪМУРИЙ  
ХУҚУҚБУЗАРЛИК  
ТЎҒРИСИДАГИ ИШ  
ҚОНУНЧИЛИККА  
ЗИД РАВИШДА  
КЎРИБ ЧИҚИЛГАН.**

**ЎЗ КАСБИ, ХУНАРИ  
БИЛАН ДУНЁГА  
ТАНИЛАЁТГАН  
ХУНАРМАНД  
ЖИНОЯТГА ҚЎЛ  
УРДИ.**

**ОНАСИНИНГ  
БОШҚА ЭРКАК  
БИЛАН  
МУНОСАБАТИ  
ЎҒИЛНИ  
ҚОТИЛЛИККА  
ЕТАКЛАДИ.**

**ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИДА  
668 МЛРД.  
СЎМЛИК НОРЕАЛ  
ҚАРЗДОРЛИК  
АНИҚЛАНГАН.**

## БОШ ПРОКУРОР БУХОРО ВИЛОЯТИДА ФУҚАРОЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

JARAYON



Аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқот қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни жойида бартараф этиш мақсадида давлат органлари раҳбарлари сайёр қабуллар ўтказмоқда.

Бош прокурорнинг навбатдаги сайёр қабули жорий йил 2-3 апрель кунлари Бухоро вилоятида бўлиб ўтди.

Хусусан, Бош прокурор 2 апрель куни Жондор тумани мусиқа ва санъат мактаби биносида Қорақўл, Олот, Жондор, Пешку, Ромитан, Шофиркон ҳамда Бухоро туманлари, 3 апрель куни эса Когон шаҳар ҳокимлиги биносида Бухоро ва Когон шаҳри, шунингдек, Когон, Гиждувон, Вобкент, Қоровулбозор туманлари аҳолиси учун сайёр қабул ўтказди.

БУХОРО ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ




## РЕПЕТИТОРГА БОРМАГАН ЎҚУВЧИ ТАЛАБА БЎЛА ОЛМАЙДИМИ?

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МАСКАНИГА КИРИШ УЧУН ДАВЛАТ  
ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНДИГАН ТЕСТ СИНОВЛАРИ  
УМУМ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ДАРСЛИКЛАРИ  
АСОСИДА ТУЗИЛАДИ. АММО КЎПЧИЛИК ЎҚУВЧИЛАР  
УРФГА АЙЛАНГАН РЕПЕТИТОРГА ҚАТНАМАСА,  
ОЛИЙГОҲГА КИРА ОЛМАЙДИГАНДЕК ГҲЁ.**

3-бетда

## ХИЗМАТИ ЁҚАДИ, ТЎЛОВИ ЧАҚАДИ(МИ)?



264 ТА ХОЛАТДА МИБ ХОДИМЛАРИГА НИСБАТАН ҚАРШИЛИК, МУШТУМЗЎРЛИК ҚАЙД ЭТИЛГАН.  
112 ТА ХОЛАТ БЎЙИЧА ЖИНОЯТ ВА 88 ТАСИ БЎЙИЧА  
ЭСА МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИККА ОИД ИШЛАР  
ҚЎЗҒАТИЛГАН.

5-бетда



JARAYON

## МИБ директори Қорақалпоғистонда сайёр қабул ўтказмоқда

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори Ботир Қудратходжаев 1-3 апрель кунлари Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларида сайёр қабул ўтказди.

Сайёр қабул давомида ҳозирга қадар, 30 дан ортиқ мурожаат кўриб чиқилди.

Мурожаатларда табиий газ ва электр энергиясига уланиш, алимент нафақаси ҳамда корхона ва идоралардан иш ҳақини

ундириб бериш, қарздорликни ундириш, хатланган мол-мулкларни хатловдан чиқариш, Бюро органларига хизматга кириш ва ноқонуний қурилган объектларни буздириш билан боғлиқ масалалар кўтарилди.

Барча масалалар бирма-бир тингланиб, жойида тушунтиришлар берилди. Ҳозирда мурожаатларни қаноатлантириш юзасидан текшириш ва ўрганишлар олиб борилмоқда. Албатта, ушбу мурожаатлар-

нинг барчаси қисқа вақт ичида қонуний кўриб чиқилади ва қаноатлантириш чоралари кўрилади.

Маълумот учун, Бюро директорининг Қорақалпоғистон Республикасидаги қабули 4 апрель куни ҳам давом этади.

Ушбу сайёр қабуллар натижаси юзасидан оммавий ахборот воситаларига ба-тафсил ахборот бериб борилади.

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ























# МУБОРАҚБОД ЭТАМИЗ



**Прокуратура органлари тизимида хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустақамлашга ўзининг муносиб хиссасини қўшаётган инсон Эркин Шаропов кутлуғ 60 ёшни қарши олмоқда.**

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Департаментнинг Тайлоқ туман бўлими инспектори, Департаментнинг Тахياتош шаҳар бўлими катта инспектори, Департаментнинг Пайарик туман, Каттакўрғон шаҳар ва Булунгур туман бўлимлари катта ин-

спектори, Департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармасида навбатчи қисм катта инспектори, инспектори лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Айни пайтда у Департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармасида бўлим инспектори вазифасида фаолият юритмоқда.

Эркин Шароповнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолини, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Эркин Уроқович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустақам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

**Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келаяётган инсон Анваржон Исаков кутлуғ 60 ёшни қарши олмоқда.**



туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Айни пайтда Анваржон Исаков Департаментнинг вилоят бошқармасида бўлим катта тафтишчиси вазифасида фаолият олиб бормоқда.

Унинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолини, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Анваржон Расулжонович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаменти ҳамда Департаментнинг Андижон ва Самарқанд вилоят бошқармалари жамоалари

JARAYON



## МАКТАБИМ УЧУН КИТОБ

**Нилуфар НИЁЗОВА,**  
"Huquq"

Жорий йил 19 март куни Президентимиз раислигида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлоднинг маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиши, уларда ахборот технологияларидан тўри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган ва унда ёшлар ўртасида китобхонликни юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар бир раҳбар ўз шахсий кутубхонасидан ўзи таълим олган мактаб кутубхонасига китоблар совға қилса, бундай эзгу ташаббус китобхонликни ривожлантиришга хизмат қилиши, фарзандларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши таъкидланган эди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган китоб совға қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда Наманган вилоят прокуратураси органларнинг ҳар бир ходими ўзи ўқиган мактабга китоблар тўпламини тўхфа этдилар.

Вилоят прокуратура органлари ходимлари томонидан умумтаълим мактабларига 4 мингга яқин бадий адабиётлар тақдим этилди.

Ушбу хайрли ташаббус болаларнинг ўқишга бўлган иштиёқи, китобга меҳрини янада ошириб-гина қолмай, уларнинг маънавияти юксалиши, дунёқараши бойиши, жамиятда ўзини туттиши ва юриш-туришида ҳам ўз ифодасини топади.

## ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ БИНОСИДА КУТУБХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Бухоро шаҳридаги Ислон Каримов кўчасида жойлашган вилоят прокуратураси биносида "Китобхон шаҳар" номи очик кутубхона ташкил этилди.**

**Ҳабиб ҲАМИДОВ,**  
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Бугунги кунда юртимизда китобхонликка, китоб мутолаасига жуда катта эътибор берилаятгани касб эгаларини янада фаол ишлашга ундамоқда. Вилоят прокурори секторидида ташкил этилган кутубхонада 1 500 турдаги 4 700 дан ортик адабий-бадий, маърифий ва илмий-оммабоп энг сара китоблар жамланган. Китобхонлар учун мазкур китоблардан ҳеч қандай расмиётчиликсиз, яъни бирор-бир ҳужжат тақдим қилмасдан, бегараз олиб кетиб, мутолаа қилиш имконияти яратилди. Шунингдек, китобхонлар ўз истаklarидан келиб чиқиб, шахсий кутубхона-

ридан китоблар тақдим этишлари мумкин. Вилоят прокурори сектори қошидаги кутубхона, нафақат сектор жойлашган бинонинг ташки томонидида, балки иш юзасидан келган фуқаролар учун ички кутиш залида ҳам ташкил этилган. Кутубхонадан Абу Райҳон Бериунӣ, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоӣ, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Увайсий ва Нодира ҳамда замонавий адиб ва шоирлар китоблари ўрин олган.

Китобхонликни кенг тарғиб этишни янада кучайтириш мақсадида Когон шаҳар, Гиждувон, Қорақўл ҳамда Когон туман прокурорлари секторларида ҳам шундай кутубхоналар ташкил этилди.



SPORT

## Ўйинни сотишга ундаган мураббий

**ЎФА Этика қўмитаси тақдим қилинган ҳужжат ва далилларни ўрганиб чиқиб, 1 апрель куни ЎФА биносида якуний йиғилишини ўтказди.**

Йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан ЎФАнинг Футбол фаолиятини назорат қилиш бошқармаси томонидан ишга оид тақдим этилган маълумотлардан ҳамда Интизом ва одоб-ахлоқ (этика) қўмитасининг билдирган фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб, "Навбахор лочинлари" ПФКнинг собиқ бош мураббийи Илҳом Мўминжонов 2017 йил мавсумида келишилган ўйинларни ташкил қилиш, жумладан, ўйин натижасига таъсир қилиш мақ-

садида "Навбахор лочинлари" ПФКнинг бир қатор футболчиларини ўйинни сотишга ундагани учун 50 миллион сўм миқдоридида жаримага тортилди ва 5 йил муддатга футболдаги ҳар қандай фаолиятдан четлаштирилди.

Бундан ташқари, "Сурхон" ПФК техник директори Шерзод Шарипов қўмитага ва ЎФАнинг расмий вакилларига суриштирув жараёнида ёлгон кўрсатма берганлиги ва қўмитани вазият юзаси-

дан қарор чиқаришда чалқаштиришга ҳаракат қилгани учун мазкур клубнинг сардори Дилшод Жабборов И. Мўминжоновга 2017 йилги мавсумда келишилган ўйинларни ташкил қилишга ёрдам берганлиги ва футболчиларини ўйинни сотишга ундагани, шунингдек, қўмитанинг ёзма ва оғзаки сўровларига эътибор бермай, узрли сабабсиз қўмита йиғилишларига келмаганлиги учун 2019 йил футбол мавсуми охирига қадар футбол билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятдан четлаштирилди.

Шунингдек, йиғилиш давомида футбол соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар, мураббийлар ва футболчилар ким бўлишидан қатъи назар, келгусида бундай ҳолатларни содир этадиган бўлса, белгиланган тартибда жазога тортилиши маълум қилинди.

**"France Football" нашри 2018-2019 йилги мавсум бўйича дунёнинг энг кўп ҳақ тўланадиган футболчиларини эълон қилди.**

## Месси яна карвонбоши

Рейтингни тузишда футболчиларнинг маош, бонус ва бошқа даромадлари ҳам ҳисобга олинган.

Рейтингнинг 1-погонасини ойига 7 миллион, йилига эса 130 миллион евро топадиган Аргентина терма жамоаси ва "Барселона" клуби ҳужумчиси Лионель Месси банд қилган.

2-ўрин эса, унинг рақобатчиси Криштиану Роналдуга насиб қилди. Португалия терма жамоаси ва "Ювентус" клуби ҳужумчисининг йиллик даромади 113 миллион еврони ташкил қилди.

Кучли учликни эса Бразилия терма жамоаси ва "ПСЖ" клуби ҳужумчиси Неймар 91,5 миллион евро билан яқунлаб берган.

Қайд этиш жоиз, маблағлар солиқ тўловларигача бўлган ҳолатда кўрсатилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Отабек Фузайловга турмуш ўртоғи

**Раъно ФУЗАЙЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳзор қилади.